

## “ТАРИХИ РАШИДИЙ” АСАРИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИДАГИ АҲАМИЯТИ

Ёқубова Раъно Ўктамовна

Термиз давлат университети 2-босқич магистранти

Tel.: +998883203320

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада “Тарихи Рашидий”<sup>1</sup> асарининг XV-XVI асрлар Марказий Осиё тарихини ўрганишидаги аҳамияти ва ўрни таҳлил қилинади. Муаллиф Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий томонидан яратилган мазкур асар сиёсий воқеалар билан бир қаторда ижтимоий, маданий ва маънавий жараёнларни ҳам қамраб олгани билан ажралиб туради. Мақолада асарнинг тузилиши, манбавий асослари ва тарихий шахслар фаолиятини ёритиш хусусиятлари таҳлил қилиниб, “Бобурнома” билан қиёсий жиҳатлар очиб берилади. Тадқиқот натижасида асар Марказий Осиё, Мўғулистон, Ҳиндистон ва Шарқий Туркистон тарихини ўрганишида муҳим ва ишончли манба эканлиги асосланади.

**Калит сўзлар:** Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, “Тарихи Рашидий”, Марказий Осиё тарихи, тарихий манбалар, мемуар жанри, “Бобурнома”, тарихнавислик, Темурийлар даври, Шайбонийлар даври, Мўғулистон тарихи.

### ABSTRACT

This article analyzes the significance and place of the work "Tarihi Rashidiy" in the study of the history of Central Asia of the 15th-16th centuries. This work, created by the author Mirzo Muhammad Haydar Ayazi, is distinguished by the fact that it covers social, cultural and spiritual processes along with political events. The article analyzes the structure of the work, source bases and features of covering the activities of historical figures, and reveals comparative aspects with "Baburnama". As a result of the study, it is proved that the work is an important and reliable source in the study of the history of Central Asia, Mongolia, India and East Turkestan.

**Keywords:** Mirzo Muhammad Haydar, "Tarihi Rashidiy", history of Central Asia, historical sources, memoir genre, "Baburnama", historiography, Timurid era, Shaybanid era, history of Mongolia.

<sup>1</sup> Аёзий, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий //Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи О.Ё. Жалилов; масъул муҳаррир С. Ҳасанов; ЎзР ФА, Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. -Тошкент: “O‘zbekiston”, 2011. 704-б. (кейинги ўринларда: Тарихи Рашидий)

## КИРИШ

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Кўрагон ибн Мирзо Муҳаммад Хусайн Кўрагон (1499-1551) ўз даврининг кўп қиррали ва юқори савияли зиёлилардан бири бўлган. Замондоши Бобур Мирзо уни нафақат тарихчи, балки шоир, хаттот ва мусаввир сифатида ҳам юқори баҳолайди. Бу ҳолат унинг шахсида ҳарбий-сиёсий ва маданий салоҳият уйғунлашганини кўрсатади.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг илмий меросида икки асосий асар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар “Жаҳоннома” ҳамда “Тарихи Рашидий” асарларидир. “Аёзий” таҳаллуси билан “Жаҳоннома”, “Маҳмуднома” дostonлари ва қатор ғазал, рубоий, маснавий, китъа, фардларни яратди. “Жаҳоннома” маснавий жанрида ёзилган асар бўлиб, бугунги кунда унинг ягона кўлёмаси Германиянинг Берлин шаҳри кутубхоналаридан бирида сақланмоқда<sup>2</sup>. “Тарихи Рашидий” Ҳайдар Мирзонинг машҳур асари ҳисобланиб, у икки қисмдан иборат. Биринчи қисмида XIV аср ўрталаридан XVI асрнинг биринчи ярмигача бўлган давридаги Мўғулистон тарихи ёритилади. Муаллиф ўз замонасида машҳур бўлган турли ёзма манбалардан унумли фойдаланган бўлиб, улар орасида “Жомеъ ат-Таворих”, “Тарихи Жаҳонгўшо” ва “Зафарнома” каби асарлар муҳим ўрин тутаяди. Бироқ Мирзо Ҳайдар ушбу манбаларни оддий такрорламай, уларни қайта ишлаб, янги маълумотлар билан бойитаяди. Шу жиҳатдан асар компилятив характерга эга бўлса-да, мустақил илмий қийматга ҳам эга. Асарнинг иккинчи қисмида эса муаллифнинг шахсий кузатувлари ва хотиралари асосида ёзилган бўлиб, уни бирламчи манба сифатида янада қимматли қилади. Унда Қошғар, Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистондаги сиёсий жараёнлар бевосита иштирокчи нуқтаи назаридан ёритилади. Муаллиф алоҳида таъкидлаганидек, Мўғулистон хонлари тарихи ва уларнинг насабий тармоғига бағишланган мустақил асарлар деярли мавжуд бўлмаган. Шу боисдан “Тарихи Рашидий” мазкур бўшлиқни тўлдирган ноёб тарихий манба сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

“Тарихи Рашидий” асарида Марказий Осиёдаги турли сиёсий кучлар ва сулолалар тарихи комплекс тарзда ёритилади. Жумладан, асарда қирғиз бийлари ҳукмронлиги ҳақида ҳам маълумотлар келтирилиб, бу ҳолат унинг этносиёсий манзарани кенг қамраб олганини кўрсатади. Бундай кўп қатламли тарихий тасвир бошқа манбаларда нисбатан кам учрайди<sup>3</sup>. Муаллиф Темурийлар тарихини ёритишда алоҳида ёндашувни қўллайди. У Амир Темурдан бошлаб, кейинги темурий ҳукмдорларнинг Мўғулистонга юришлари

<sup>2</sup> Абдумажид Мадраимов. Говҳар Фузалова .Манбашунослик. Т. 2008 .- Б. 214

<sup>3</sup> Тарихи Рашидий, - Б. 6.

ва минтақадаги сиёсий курашларини изчил тарзда баён қилади. Айниқса, Абу Саид Мирзо фаолиятига кенгроқ ўрин берилиши муаллифнинг сиёсий марказлашув жараёнларига алоҳида эътибор қаратганини кўрсатади. Шу билан бирга, муаллиф темурийлар даври маданий муҳитини ҳам ёритиб, Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврини маданий юксалиш босқичи сифатида баҳолайди<sup>4</sup>. Бу ҳолат асарнинг фақат сиёсий эмас, балки маданий-тарихий аҳамиятини ҳам оширади.

Асарда шайбонийлар тарихи ҳам алоҳида ўрин тутади. Хусусан Муҳаммад Шайбонийхон фаолияти муаллиф томонидан танқидий ва таъсирчан услубда ёритилади. Муаллиф унинг ҳарбий муваффақиятлари билан бир қаторда, сиёсий зиддиятлар ва фожиали тақдирини ҳам кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, “Тарихи Рашидий”да Исмоил Сафавий ва Муҳаммад Шайбонийхон ўртасидаги муносабатлар кенг ва батафсил ёритилгани алоҳида аҳамиятга эга. Муаллиф мазкур воқеаларни бошқа манбаларга нисбатан мукамалроқ тасвирлар, сиёсий ва мафкуравий қарама-қаршиликларни очиб беради. Шоҳ Исмоил томонидан юборилган мактубларда сулҳ ва муроса ғоялари илгари сурилган бўлиб, уларда дўстлик ва келшиув рамзий тарзда ифодаланади. Бунга жавобан Шайбонийхон кескин ва танқидий руҳдаги мактуб йўллаб, ўз сиёсий позициясини қатъий ҳимоя қилади. Мазкур ёзишмаларда ҳар икки томоннинг ҳокимиятга бўлган даъвоси, сулолавий легитимацияси ва сиёсий қарашлари ўзаро қарама-қарши қўйилгани кузатилади. Хусусан, Шоҳ Исмоил ўз жавобида ҳокимият мерос эмас, балки куч ва салоҳият орқали қўлга киритилишини таъкидлайди. Шу тариқа, муаллиф мазкур воқеалар орқали икки давлат ўртасидаги зиддиятларнинг нафақат ҳарбий, балки мафкуравий ва сулолавий асосларга эга эканини кўрсатади<sup>5</sup>.

“Тарихи Рашидий”да Муҳаммад Шайбонийхон ҳамда Исмоил Сафавий ўртасидаги ҳал қилувчи жанг Марв яқинидаги жанг мисолида ёритилади. Муаллифнинг баёнига кўра, дастлабки тўқнашувлардан сўнг ҳар икки томон куч тўплашга ҳаракат қилади. Бироқ стратегик жиҳатдан муҳим қарор қабул қилиш жараёнида Шайбонийхон маслаҳатчиларининг эҳтиёткор таклифларини инобатга олмай, тезкор жанг қилишни маъқул кўради. Бу эса унинг ҳарбий тактикасидаги асосий хатолардан бири сифатида намоён бўлади. Шоҳ Исмоил томонидан амалга оширилган ҳарбий ҳийла – яъни қўшиннинг чекингандек кўриниш бериши – Шайбонийхон томонидан нотўғри талқин қилинади. Натижада у етарлича тайёргарликсиз жангга киришади ва рақиб кучларининг

<sup>4</sup> Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 13 жилд. Мажолис ун-нафоис. -Тошкент: Фан, 1997.

<sup>5</sup> Ҳофиз Таниш Бухорий. Шарафномаи шоҳий (Абдуллонома). -Тошкент, 1999. -Б. 58.

устунлигига дуч келади. Жанг жараёнида Шайбонийхон кўшинлари тартибсизликка учраб, мағлубиятга юз тутди. Муаллиф таъкидлаганидек, бу жангда кўшин бошлиқларининг деярли барчаси ҳалок бўлиши унинг ҳалокатли оқибатларини янада кучайтарган. Шу билан бирга, айрим манбаларда, жумладан Мусаххир ал-билодда қайд этилишича, жангдан аввал Шоҳ Исмоил томонидан сулҳ таклифи билдирилган. Бироқ Шайбонийхоннинг бу таклифни рад этиши унинг сиёсий ва ҳарбий ҳисоб-китоблардаги жиддий камчиликни кўрсатади. Шу тариқа, мазкур воқеа “Тарихи Рашидий”да нафақат ҳарбий тўқнашув, балки нотўғри стратегик қарорлар оқибатида юзага келган сиёсий мағлубият сифатида талқин қилинади. Асарда воқеалар баёни орқали муайян ахлоқий ва сиёсий хулосалар ҳам билвосита ифодаланади. Муаллиф зўравонлик, кибр ва мурасизлик каби омилларни сиёсий муваффақиятга тўсқинлик қилувчи жиҳатлар сифатида кўрсатади<sup>6</sup>.

Асарнинг яна бир муҳим жиҳати – Мўғулистон хонлари тарихининг муфассал ёритилишидир. Муаллиф ушбу тарихни Туғлуқ Темур давридан бошлаб баён қилади. Бу танлов бир томондан аввалги даврлар бошқа манбаларда ёритилгани, иккинчи томондан эса мазкур ҳукмдор давридаги сиёсий ва диний ўзгаришларнинг аҳамияти билан изоҳланади. Хусусан, Туғлуқ Темурхоннинг исломни қабул қилиши Мўғулистон тарихида янги босқични бошлаб берган муҳим воқеа сифатида баҳоланади. Кейинги хонлар тарихи эса сулолавий давомийлик ва ички сиёсий муносабатлар доирасида таҳлил қилинади. Муаллиф, шунингдек, Юнусхон ва унинг авлодлари мисолида сиёсий маданият ва маърифат масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Бу ҳолат асарда тарихий воқеалар билан бир қаторда, маънавий-сиёсий қарашлар ҳам муҳим ўрин эгаллашини кўрсатади<sup>7</sup>.

“Тарихи Рашидий”нинг муҳим хусусиятларидан бири – унда сиёсий тарих билан бир қаторда диний-маърифий қарашлар ҳам уйғун ҳолда ёритилишидир. Муаллиф турли ҳукмдорлар фаолиятини таҳлил қилиш жараёнида адолат, инсоф ва маърифат каби тушунчаларни асосий мезон сифатида қўллайди. Хусусан, Юнусхон ва Султон Саидхон мисолида кечиримлилик ва инсофлилик каби фазилатлар ҳукмдор шахсининг муҳим белгиси сифатида талқин қилинади. Бу эса муаллифнинг сиёсий ҳокимиятни ахлоқий мезонлар орқали баҳолашга интилишини кўрсатади<sup>8</sup>.

Асарда қозоқ хонлари тарихи ҳам алоҳида ўрин тутди. Жумладан, Қосимхон даври қозоқ давлатининг юксалиш босқичи сифатида, кейинги

<sup>6</sup> Тарихи Рашидий. -Б. 347-350.

<sup>7</sup> Тарихи Рашидий. – Б. 141-149, 220-224.

<sup>8</sup> Тарихи Рашидий, -Б. 245.

даврлар эса сиёсий заифлашув жараёни сифатида ёритилади. Бу ҳолат асарнинг этносиёсий тарихни ҳам қамраб олганини кўрсатади<sup>9</sup>.

Шу билан бирга, Исмоил Сафавий ва унинг ворислари фаолияти орқали минтақадаги диний-сиёсий зиддиятлар, хусусан сунний-шиа қарама-қаршилиги масалалари ҳам ёритилади. Муаллиф бу жараёнларнинг сиёсий барқарорликка таъсирини кўрсатишга ҳаракат қилади. Асарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг ворислари фаолияти ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Муаллифнинг шахсий тажрибаси ва бевосита иштирокчи сифатидаги кузатувлари бу қисмларни айниқса қимматли қилади<sup>10</sup>. Ниҳоят, асарнинг яна бир ўзига хос жиҳати – унда диний арбоблар ва суфий пири-муршидлар фаолиятига кенг ўрин берилганидир. Хусусан, Хожа Аҳрор каби шахслар мисолида маънавий таъсирнинг сиёсий ҳаётдаги ўрни ёритилади. Бу эса асарни фақат сиёсий тарих эмас, балки маънавий-ижтимоий жараёнларни ҳам қамраб олган манба сифатида баҳолаш имконини беради.

“Тарихи Рашидий”нинг муҳим жиҳатларидан бири – муаллиф услубининг аниқлиги ва манбага нисбатан танқидий ёндашувидир. Муаллиф оғзаки ва ишончсиз маълумотларни асарга киритмасликка интилиб, тарихий воқеаларни изчил ва мантиқий таризда баён қилади. Шу билан бирга, у тарихий шахсларга нисбатан ҳолис муносабат сақлашга ҳаракат қилади.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Марказий Осиё тарихнавислиги анъаналарига содиқ қолган ҳолда, уларни муайян даражада ривожлантиради. Хусусан, у форс тилида ёзилган тарихий асарга мемуар элементларини киритиб, “Бобурнома” анъанасини давом эттиради<sup>11</sup>. Бу эса асарнинг бир вақтнинг ўзида ҳам хроника, ҳам шахсий кузатувларга асосланган манба сифатида намоён бўлишига олиб келади. Асарда яна бир ўзига хос жиҳат – воқеаларнинг икки хил услубда баён қилиниши, яъни манбалар асосидаги тарихий маълумотлар билан муаллифнинг шахсий кузатувлари ўзаро уйғунлашганидир. Бу ҳолат асарнинг ички структурасини мураккаб ва бир вақтнинг ўзида бой мазмунли қилади. Муаллиф анъанавий тарихнавислик услубларидан ҳам фойдаланади. Жумладан, “Зафарнома” ва “Тарихи Жаҳонгўшо” каби асарлардан иқтибослар келтириш орқали у ўз баёнини мустаҳкамлайди. Бу ҳолатни муаллифнинг аввалги тарихнавислик анъаналарига таяниши сифатида баҳолаш мумкин. Шунингдек, асарда шеърий парчалар, Қуръон оятлари ва ҳадислардан фойдаланиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Улар матнда бадий безак сифатида эмас, балки

<sup>9</sup> Тарихи Рашидий. -Б. 362.

<sup>10</sup> Ўша асар. -Б. 13.

<sup>11</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. -Тошкент, 2002. -Б. 75.

муайян воқеаларга ахлоқий ва фалсафий изох бериш воситаси сифатида хизмат қилади.

“Тарихи Рашидий”да Заҳириддин Муҳаммад Бобур фаолиятига оид айрим муҳим воқеалар қўшимча манба сифатида ёритилади. Хусусан, Бобурнинг Мовароуннаҳрдаги мураккаб сиёсий вазиятни ўрганиш жараёни ва унинг оғир шароитлардаги фаолияти асарда ҳадислар ва диний қарашлар билан уйғун ҳолда баён қилинади. Асарнинг ўзига хос жиҳатларидан бири – тарихий шахсларнинг таржимаи ҳолини ихчам, бироқ мазмунан тўлиқ тарзда беришидир. Муаллиф уларнинг фақат сиёсий фаолиятини эмас, балки ахлоқий ва маънавий қиёфасини ҳам ёритишга интилади. Бу жиҳатдан “Бобурнома” анъанаси билан маълум ўхшашлик кузатилади. Шу билан бирга, “Тарихи Рашидий”да муаллифнинг шахсий ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар ҳам қисман акс этган бўлиб, бу асарни муайян даражада мемуар хусусиятга эга манба сифатида баҳолаш имконини беради. Асар “Бобурнома” билан бир қаторда XV-XVI асрлар Марказий Осиё тарихи, сиёсий жараёнлари ва тарихий шахслар фаолиятини ўрганишда ўзаро тўлдирувчи манбалар сифатида намоён бўлади. Айниқса, айрим даврлар ва воқеаларнинг батафсилроқ ёритилиши жиҳатидан унинг манбавий қиймати юқори баҳоланади.

Муаллиф асарни ёзиш орқали Мўғулистон хонлари, хусусан Султон Саидхон фаолиятини тарихда абадийлаштиришни мақсад қилган. Бу ҳолат асарда мазкур ҳукмдор шахсига алоҳида эътибор қаратилишида ҳам намоён бўлади<sup>12</sup>.

“Тарихи Рашидий” ва “Бобурнома” XV-XVI асрлар Марказий Осиё тарихи ва маданий муҳитини ўрганишда ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи муҳим манбалар ҳисобланади. Ҳар икки асарда Ҳирот адабий-маданий муҳитининг таъсири, тарихий воқеаларни бадиий ва таҳлилий ёндашув асосида ёритишда намоён бўлади. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар ўз асарида мазкур маданий муҳит ва унда фаолият юритган ижодкорлар, олимлар ва санъаткорлар ҳақида кенг маълумот беради. Хусусан, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий каби йирик шахслар, шунингдек, хаттотлар, мусаввирлар ва мусиқачилар ҳақида келтирилган маълумотлар асарнинг маданий-тарихий қийматини оширади. Бу ҳолат “Тарихи Рашидий”ни фақат сиёсий тарих эмас, балки маданий муҳит энциклопедияси сифатида ҳам баҳолаш имконини беради.

<sup>12</sup> Тарихи Рашидий, - Б. 316.

## ХУЛОСА

Икки асар ўртасидаги ўхшашликлар билан бир қаторда, муҳим фарқлар ҳам мавжуд. “Бобурнома” кўпроқ муаллифнинг шахсий ҳаёти ва тажрибаларига асосланган мемуар хусусиятига эга бўлса, “Тарихи Рашидий”да тарихий воқеаларни тизимли ва таҳлилий ёритиш устувор аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан, биринчисида адабий-биографик ёндашув, иккинчисида эса тарихий-таҳлилий ёндашув устунлик қилади. Асарларда тарихий шахсларнинг кўплиги ва уларнинг фаолиятини кенг қамровда ёритилиши ҳам умумий хусусиятлардан биридир. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар турли сулолалар – темурийлар, шайбонийлар, мўғул хонлари, сафавийлар ва қозоқ хонлари тарихини бир асар доирасида қамраб, минтақанинг мураккаб сиёсий манзарасини яратади.

Шу билан бирга, “Тарихи Рашидий” кенг географик ҳудудларни қамраб олиши билан ҳам аҳамиятлидир. Унда Мовароуннаҳр, Мўғулистон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Шарқий Туркистон ҳудудларидаги сиёсий ва маданий жараёнлар ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган. Натижада, мазкур асар Марказий Осиё тарихи бўйича ёзилган “Зафарнома”, “Жомеъ ат-Таворих”, “Тарихи Жаҳонгўшо” каби фундаментал манбалар қаторидан муносиб ўрин эгаллайди.

Шу тариқа, “Тарихи Рашидий” XV-XVI асрлар Марказий Осиё тарихи учун сиёсий, мемуар ва маънавий таҳлилни бирлаштирган комплекс ва ноёб манба сифатида баҳоланади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий. -Тошкент: “O‘zbekiston”, 2011.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. -Тошкент: Шарқ, 2002.
3. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000.
4. Ҳофиз Таниш Бухорий. Шарафномаи шоҳий (Абдулланом). -Тошкент: Шарқ, 1999.
5. Мадраимов А., Фузалова Г. Манбашунослик. -Тошкент, 2008 .